

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Й.Солижонов	
Ҳамза Ҳакимзода шеърятда лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни	85
Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева	
Хорижлик адабиётшунос олимларнинг жадид адабий меросига муносабати хусусида	88
С.Мамаюсупова	
Шукур Холмирзаев ижодида мақол ва матал муносабатлари	91

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Ганиева	
Ўзбек тилидаги феъл фразеологизмларда бўлишли-бўлишсизлик категорияси	95
Ф.Абдурахмонов	
Замонавий рус тилида уч актанти феълларнинг структурали-семантик хусусиятлари	98
Д.Газиева	
Матнни функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш	103
Н.Аббосова	
Инглиз мақол ва маталларини ўргатишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услублари	107
М.Ҳақимова	
Абстракт сўзларнинг синонимия муносабатлари	111
Ҳ.Солихўжаева	
Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар хусусида	116
Ш.Матназаров	
Ўзбек тилидаги қишлоқ хўжалиги лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши	119
Н.Умарова, Н.Абдувалиева	
Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони назмий ва насрий вариантларидаги айрим тафовутлар	122
Ф.Қосимова	
«Тиб қонунлари» (Абу Али Ибн Сино) асарида келтирилган касаллик номлари ва уларнинг ўзбек, инглиз тилларидаги ўзига хос лингвокультурологик жиҳатлари	126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Р.Мамасолиев, Р.Солиев	
Олий таълимда чет тили фанларини ўқитишнинг замонавий асослари	130
Ш.Алимов, М.Нурматова	
Чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш	133
Д.Ҳайдарова	
Чет тили дарсларида синфни бошқариш стратегиялари	136
З.Бобоева, И.Пўлатов	
Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари	140

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Холдоров, Н.Пўлатов	
Толали материалларни тозалаш агрегати колесникли панжарасининг ишлаб чиқаришдаги синов натижалари ва самарали конструкцияси	143
А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброҳимова	
Математика дарсларида стохастик компетенцияни шакллантириш	147
Р.Маджидова	
Оилавий қадриятларни изоҳловчи мақолларнинг аксиологик аҳамияти	149
М.Мадаминова	
Абу Райҳон Беруний – адабиётшунос	152
М.Юсупова	
Навоий образининг янгича талқини	155
Х.Рахматиллаев, С.Сохибов	
Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши тизимида турли ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар	158

УДК: 42/49+370/371

ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА СИНФНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ
СТРАТЕГИИ УПРАВЛЕНИЯ КЛАССОМ НА УРОКАХ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ
STRATEGIES FOR CLASSROOM MANAGEMENT IN FOREIGN LANGUAGE TEACHING

Д.К.Ҳайдарова

Аннотация

Мақолада чет тил дарсларида синфни бошқаришда учраётган муаммолар ва уларнинг омиллари ўрганилган. Тадқиқот натижалари ва синфни бошқариш бўйича адабиётлар таҳлили қилинган. Чет тил ўргатиш самардорлигини ошириш бўйича хулоса ва тавсиялар берилган.

Аннотация

В данном исследовании изучаются вопросы управления классом на уроках иностранного языка. В статье также обсуждаются результаты исследования и анализ литературы по управлению классом. Предлагаются выводы и рекомендации по повышению эффективности преподавания иностранных языков.

Annotation

The research studied the issues related to classroom management in teaching foreign languages. The findings were discussed along with the current literature on classroom management. The implications and suggestions were provided for a better foreign language teaching practice.

Таянч сўз ва иборалар: чет тил ўқитиш, синфни бошқариш, стратегия, таълим ва тарбия жараёни.

Ключевые слова и выражения: преподавание иностранных языков, управление классом, стратегия, образовательный и воспитательный процесс.

Keywords and expressions: foreign language teaching, classroom management, educational and upbringing process.

“Синфни бошқариш” термини чет тил ўқитишда бир нечта термин билан тилга олинади. “Синфни бошқариш” ва “синф интизоми” таълим-тарбия жараёнида энг кўп қўлланиладиган тушунчалардир.

Аммо, бугунги кунда ҳам “синфни бошқариш”, “назорат” ва “интизом” атамалари жуда кўп ўқитувчилар тасаввурида авторитар режим ҳисобланаётгани ҳам ушбу соҳада изланишлар олиб боришнинг долзарблигини кўрсатди.

Тадқиқот давомида Фарғона давлат университетининг факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчилари, инглиз филологияси йўналишининг 1-2 курс магистр талабалари, хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) йўналиши 4-курс талабалари билан олиб борилган суҳбат натижалари, бу борада хато фикрлаш оқибатида, ўқитувчилар ўқувчиларни бутун дарс давомида назоратга олиб, уларнинг бир қатор ҳуқуқ ва ҳурматларини чегаралаб қўяётганлигини кўрсатди.

“Синфни бошқариш” ўқитувчининг дарс жараёнида вақтдан тўғри фойдаланиш, бўш вақтга йўл қўймаслик, қандай вазиятларда сабрли бўлиш, нималарни синчковлик билан ўрганиш ва кузатиш кераклиги, саволлар бериш ва ўқувчиларнинг тушунган ёки тушунмаганлигини текшириш, гапириш оҳанги қандай бўлиши керак каби тушунчаларни қамраб олиши зарур, дея таърифланади [1]. Шу сабабли, чет тил дарсларида синфни муваффақиятли бошқаришнинг мақсади тил

ўрганишга ижобий таъсир этадиган муҳитни таъминлашдир. Тўғри ташкил этилган муҳит ўрганиш ва ўқитиш жараёнини осонлаштиради ва ўқувчиларнинг дарсда тўлиқ иштирок этишларини таъминлайди. Шу билан бирга, зерикарли, шовқинли ва нотўғри ташкил этилган синф муҳити ўқувчиларнинг таълими ва ўрганиш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ҳамда синфни бошқариш муаммоларини келтириб чиқаради. Синфни бошқариш муаммолари билан боғлиқ биринчи масала синфни бошқара олмасликка сабаб бўладиган омилларнинг мавжудлигидир. D. E. Matusнинг фикрига кўра, синфни бошқариш муаммоларига оиладаги ва уйдаги муаммолар, ўзини “ҳеч кимга керак эмасман”, деб ҳис этиш ва молиявий масалалар каби шахсий омиллар сабаб бўлади [2, 305-307]

Худди шундай, K.Sasidher, S.Vanaja, V.Parimalaveni синфни бошқаришга тўсқинлик қиладиган тўртта асосий омилни кўрсатади. Булар вақт, ижтимоий-маданий фарқлар, ўқувчига мотивациянинг етишмаслиги ва ўқувчилар сонининг ҳаддан зиёд кўп бўлиши кабилардир [3, 421-428]

Ўқитувчиларнинг билим олишга ташаббус кўрсатиши ҳам синфни муваффақиятли бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. R.Gower, S.Walters шунга ўхшаш таксономияни таклиф қилади. Уларнинг таксономиясига кўра, синфни бошқариш муаммолари ўтириш тартиби, кўрсатмалар бериш, ҳамкорликда ва гуруҳларда

Д.К.Ҳайдарова – ФарДУ, факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси.

ишлашни ташкил этиш, ўқувчиларнинг исмини айтиб мурожаат қилиш, дарсни бошлаш, дарсни тугатиш ва ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжлари билан боғлиқ [4].

D.J.Young чет тил дарсларида ўқувчиларнинг хавотирга тушишларига сабаб бўладиган олтита омилни аниқлаган: шахсий ва шахслараро хавотир, тил ўрганишга бўлган ишонч, тилни ўрганиш мумкинлигига ўқитувчиларнинг ишонтириши, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро фаолияти, дарс жараёнлари ва назорат турлари [5, 539-553].

Тадқиқотларимиз давомида Фарғона шаҳрининг турли мактабларида ишлаётган инглиз филологияси йўналишининг 1-2-курс магистратура талабалари томонидан синфни бошқаришда кенг қўлланиладиган стратегиялар ўрганилди. Талаба-ўқитувчилар асосан оғзаки огоҳлантириш, ота-налар билан мулоқот қилиш, кўрқитиш, ўқувчилар билан суҳбатлашиш ва масъулият юклаш ҳамда новербал мулоқот воситаларидан фойдаланиши, ўқувчиларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини ҳам оғзаки огоҳлантиришлар билан тўхтатишга ҳаракат қилиши маълум бўлди. Бу каби нотўғри стратегиялардан фойдаланиш эса ўқувчиларнинг тил ўрганишга бўлган мотивациясини сусайтиради.

Ушбу тадқиқот ишининг мақсади ҳам бўлғуси чет тил ўқитувчиларининг синфни бошқариш маҳоратини оширишга хизмат қилувчи, ўзбек ўрганувчиларнинг интизомий хатти-ҳаракатларига таъсир қилувчи стратегияларни аниқлаш ҳамда уларни амалиётга татбиқ қилишдан иборат бўлди.

Ўтказилган тадқиқот, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ижобий муносабатни ўрнатишга хизмат қилувчи, ўқувчиларнинг хусусиятлари ва эҳтиёжларини тан олишни ўргатувчи, ўқувчиларнинг мотивациясини ошириш, аниқ синф қоидаларини белгилаш ва синф муҳитини тартибга солиш, нотўғри хатти-ҳаракатлар олдини олишга қаратилган самарали стратегияларни аниқлади ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот давомида инглиз тили дарсларида синфни бошқариш ва интизом билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш усуллари ўрганилди. Тадқиқот натижалари синфни муваффақиятли бошқариш принциплари, чет тил ўқитиш ва мотивацияни ошириш принциплари ўртасида боғлиқлик борлигини кўрсатди. Бундан ташқари, вақтдан тўғри фойдаланиш синфни муваффақиятли бошқаришнинг муҳим омилларидан бири эканлиги белгилаб олинди.

Юқорида айтиб ўтилган фикрларга асосланиб, айнан ўқитувчилар томонидан синфни бошқаришда йўл қўйилаётган хатоликлар туфайли ўқувчиларда келиб

чиқаётган муаммолар бўйича таҳлил ўтказилди. Ушбу тадқиқотга 24 нафар Фарғона давлат университети инглиз филологияси йўналишининг 1-2-курс магистр талабаси ва хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) йўналишининг 12 нафар битирувчи амалиётчи талабаси жалб этилди ва улардан сўровнома ўтказилди. Тадқиқот мақсадининг амалга ошиши учун битирувчи талабалар амалиёт даврида синфни бошқаришда дуч келаётган муаммолари ҳақида гапириб беришди. Фарғона давлат университети, хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) йўналишининг биринчи ва иккинчи курс талабалари эса келгусида ўқитувчилик фаолиятларида синфни бошқаришда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда қайси жиҳатларни инобатга олишлари ҳақида гапириб беришди. Сўровнома натижаларига кўра, битирувчи амалиётчи талабалар ва биринчи, иккинчи курс талабалари ўқитишнинг қуйидаги жиҳатларини муаммоли, деб баҳолашди: ўқитиш методлари, синфни бошқариш, дарсни режалаштириш ва ўқувчилар мотивациясини ошириш. Айнан шу мақсадда, Фарғона давлат университетининг 24 нафар инглиз тили ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган магистр талаба ўртасида дарс бериш амалиёти даврида дуч келган қийинчиликларни аниқлаш учун сўровнома ўтказилди. Тадқиқот натижалари қуйидаги муаммоларни қайд этди: синфни бошқариш билан боғлиқ муаммолар 43%, ўқитиш жараёни 15%, ўқувчилар билан муносабат ўрнатиш 6%, ўқитувчилар томонидан йўл қўйилган хатолар туфайли 8% ва турли сабабларга кўра 20% фоизни ташкил этди.

Фарғона давлат университети инглиз филологияси йўналишининг 1-2 курс магистр талабалари, хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) йўналишининг 12 нафар битирувчи амалиётчи талабаси синфни бошқаришдаги муаммолар асосан синфдаги тартибсизликни бартараф этиш, талабаларни дарсга қизиқтириш, вақтдан унумли фойдаланиш, муаммоли ўқувчилар билан шуғулланиш, ўқувчиларнинг исмларини тез эслаб қолиш ва уларни исмлари билан чақиришни ўз ичига олди. Шунингдек, психологик ва соғлиқ билан боғлиқ индивидуал муаммолар ҳам аниқланди. Бундан ташқари, кеч қолувчилар билан шуғулланиш, ўқувчиларни топшириқларни бажаришга жалб қилиш, навбатни тартибга солиш, синфда ўқитувчининг ўрни, синф назоратини йўқотиш, тартибсизликни тўхтатиш ва ўқувчиларни жойига ўтказиш каби муаммолар ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

Тадқиқот ўқитиш ва ўрганиш услублари, ўқув материаллари ва топшириқлар синфни бошқаришда юзага келадиган муаммолар манбаи бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Чет тил ўқитиш методикаси бўйича мутахассис олимлар—

профессор Ж.Ж.Жалолов, профессор Л.Т.Ахмедова, доцент Ш.С.Алимовлар тажрибасиз англиз тили ўқитувчилари дарсни тўғри ташкил эта олмаслик, шунингдек, қониқарсиз, мос келмайдиган ўқув материалларидан фойдаланиш оқибатида синфни бошқариш муаммоларига дуч келаётганликлари ва бу муаммолар таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатаётганини ҳам таъкидлашмоқда. Айнан шунинг учун ҳам, ўқитувчилар учун чет тил ўргатиш мақсади, ўқув материалларини танлаш ва турли ўқув материалларидан фойдаланиб ўргатиш услуби “ўқитиш аспекти” билан мос келиши кераклиги аҳамиятини алоҳида таъкидлашни истардик. Синф муҳитига хилма-хиллик олиб кириш синфдаги монотонияни камайтиради, бу, ўз навбатида, ўқитувчиларга чет тил ўргатишни самарали ташкил этишга ёрдам беради [6].

Агар ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиш учун турли методлардан фойдаланмаса ва ўз билимларини амалиётда синовдан ўтказмаса, бу, синфни бошқаришни янада мураккаблаштиради.

Ушбу тадқиқотнинг таҳлил натижалари, шунингдек, ўқувчиларда чет тил ўрганишга психологик адаптацияни таъминлай оладиган учта стратегияни аниқлади. Сўровнома иштирокчиларидан бири, Фарғона давлат университети англиз тили ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси Л.С.Галимуллина ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, Фарғона шаҳар ихтисослашган 2-умумтаълим мактабида, методик курс давомида ўрганган назарий билимларини тўполончи ўқувчиларни тартибга солишда қандай қўллагани ҳақида маълумот берди. Ўқитувчи дарсни бошлаганида, ўқувчиларнинг дарсда қатнашиш иштиёқи юқорилигини, аммо синфда шовқинли ва тартибсиз муҳит мавжудлигини кузатган. Ўқитувчи бир нечта расмни кўрсатиб, ўқувчилардан чет тилида маълумот олиш мақсадида саволлар берган. Бироқ, дарс давомида айрим ўқувчилар мавзудан ташқари ҳархил саволлар бериб, бу, шовқин кўтарилишига сабаб бўлганини кўрган. Муаммога ечим топиш мақсадида, университетда методик курсда ўрганган педагогик технологияни бу ўқувчиларни тинчлантириш учун қўллаган. Тўполончи ўқувчиларга расмларга қараб саволларга жавоб бериш сўралган. Бу ўқувчилар саволларни тушунишга ҳаракат қилиб, расмларга қараб жавоб бера бошлашди. Улар шунда ҳам шовқин кўтаришда давом этишган ва аста-секин берилган топшириқ ҳақида гапира бошлашган. Қўшимча топшириқ сифатида уларга материалларни тарқатиш, доскани артиш вазифаси юклатилди. Дарс таҳлилидан маълум бўлдики, турли хил ва қизиқарли материаллардан фойдаланиш, тўполончи

ўқувчиларни тартибга чақириш ўрнига топшириқ бўйича саволларни айнан шу ўқувчиларга бериш, айрим вазифаларни топшириш, уларга дарсда иштирок этишига қўмаклашди ва диққатни жамлаб олишга хизмат қилди. Ўқитувчининг ўзаро ҳамкорликда ишлашдек муҳим ролни танлагани ва бошқа ўқитувчилар тажрибаларидан фойдалангани ўқувчиларнинг дарсга руҳан мослашишига ёрдам берди.

Синфни бошқариш муаммоларини ҳал этишнинг иккинчи ва учинчи стратегияси ҳақида сўз юритсак, магистр-ўқитувчилар ўзларининг дарс берган ўқитувчиларига тақлид қилганларини, бунга ўқувчиларнинг нотўғри ҳаракатларини бартараф этиш стратегияси сифатида ёндашганини таъкидладилар.

Яна бир дарс таҳлили қуйидагича ёритилди. Фарғона давлат университети англиз филологияси йўналиши магистри Л.Р.Тешабоева Марғилон шаҳар 5-умумтаълим мактаби, 6-синфда англиз тили дарсида мустаҳкамлаш учун берилган топшириқни тушунтирганидан сўнг, диалогни ўз гаплари билан тўлдириш топширилган. Шундан сўнг диалог бўйича саволлар берилган. Машқ шартини тушунтираётганида кўп ўқувчиларнинг тушунмаганлиги кузатилган. Магистр-ўқитувчи топшириқни тўлиқ тушунган энг аълочи ўқувчидан бошқаларга ҳам тушунтириб беришни сўраган. Ёрдам беришни биладиган ўқитувчилар одатда ушбу стратегиядан фойдаланади, деган назарий маълумот амалда синаб кўрилган. Кузатувлар ушбу стратегиянинг самарали эканлигини исботлади. Ушбу стратегиянинг энг яхши томони топшириқни қайта тушунтиришга ёки ўзбек тилидан фойдаланишга эҳтиёж қолмагани бўлди.

Бошқа бир магистр – М.О.Батирханова, Фарғона шаҳар ихтисослашган 40-умумтаълим мактаби, 7-синфларда тинглаб тушунишни ўргатиш бўйича эгаллаган тажрибасида қуйидагиларни баён қилган. Бу турдаги тинглаб тушуниш машқи бу синфда илк бор ўтказилаётгани сабабли, ўқувчиларнинг дарсга бўлган муносабати ва гапларни тушунган ёки тушунмаганлиги кузатилган. Олдиндан тахмин қилингандай, дарс давомида бир нечта ўқувчи диққат билан тинглаган, қолган ўқувчиларни эса топшириқ умуман қизиқтирмаган. Шу билан бирга, бу ўқувчилар диққатини жамлаш осон кечмади. Улар аудио машқни тингламади ва машқ бўйича берилган топшириқни ҳам бажармади. Мобил телефондан фойдаланган ўқувчилар ҳам бўлди. Ўқитувчи синфни диққат билан машқни тинглашга ва бошқа нарсалар билан шуғулланмасликка чақирган. Машқ иккинчи марта тинглангандан сўнг, саволларга жавоб бериш бошланди. Аммо, шунда ҳам бу ўқувчилар аудио машқни тинглашга қизиқмади. Ўқитувчи машқни бажармаётган ўқувчилар

олдига яқинлашиб, бўш дафтарларни ҳеч нарса демай кузатади, ўқувчиларни тўғридан-тўғри оғоҳлантормасдан, кузатишда давом этади. Улар ўқитувчининг нима демоқчи эканлигини кўзларидан англашди. Ўқитувчи ўз ҳолатини ўзгартирганлиги ва кўз орқали мулоқот қилиши ўрганувчиларга яхши таъсир ўтказди. Ўқувчилар ўзларини нотўғри тутганлигини тушунган ҳолда жимланиб, дарсда иштирок эта бошлашди. Магистр-ўқитувчи бу стратегияни университетда ўқитувчиси қўллаганини ва бундан самарали фойдаланганини баён қилди.

Фарғона давлат университети инглиз филологияси йўналишининг 1-2-курс магистр талабалари, хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) йўналишининг 12 нафар битирувчи амалиётчи талабаси билан ўтказилган суҳбатга кўра, дарс олиб боришда, улар асосан ўзаро ҳамкорликда ишлашни танлашган ва ўзлари энг яхши, деб ҳисоблайдиган ўқитувчиларига тақлид қилишга ҳаракат қилганлар. Шу сабабли, бўлғуси инглиз тили ўқитувчилари синфни ва ўқувчиларни бошқариш бўйича ҳам зарур кўникмага эга бўлиши керак, деган хулоса билдирилди. Бундан ташқари, талаба-ўқитувчилар олий ўқув юртидаги ўқитувчиларининг кўрсатмаларига риоя қилиш ва тажрибаларидан фойдаланиш орқали синфни бошқариш кўникмасини ривожлантиришга муваффақ бўлганликларини таъкидлади.

Маълумки, ўқув-тарбия жараёнининг самарали бориши учун битирувчи талабаларда синфни бошқариш кўникмаси шаклланган бўлиши керак. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, самарали ўқитишнинг энг муҳим омилларидан бири ўқитиш методикаси ҳамда таълим жараёнини бошқариш бўйича зарур билим ва кўникмага эга бўлиш ҳисобланади. Шундай

қилиб, синфни бошқариш чет тил ўрганиш муҳитига тўғридан-тўғри таъсир қилади ва, ҳатто, ўқувчининг фикрини ўрганиш учун муҳим пойдевор вазифасини ўтайди.

Таҳлилларимизга кўра, амалиётчи талабалар турли синфни бошқариш муаммоларига ўзлари сабабчи бўлган ёки ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ушбу муаммоларни келтириб чиқарган. Ҳатто энг тажрибали ўқитувчи учун ҳам синфни бошқариш муаммолари муқаррар бўлса-да, битирувчи талабаларимиз амалиётда ҳам, кейинчалик касбий фаолиятда ҳам юзага келиши мумкин бўлган муаммолардан хабардор бўлиши керак.

Республикамизнинг чет тиллар бўйича мутахассислар тайёрланадиган олий ўқув юртларида, чет тил ўқитиш методик курснинг дастлабки босқичидан бошлаб, синфни бошқаришда учрайдиган муаммоларни ўрганиш, кузатиш ва тавсия этилаётган стратегияларни тажрибада синаб кўриш имкониятини яратиб бериш чет тил ўрганиш тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, талабалар бўлғуси касбий фаолият давомида синфни бошқариш муаммоларига дуч келишини ёдда тутишлари керак. Ушбу муаммоларни бартараф этишнинг энг мақбул механизми тинчликни сақлашсинфни вазиятга мос бошқариш стратегиясини қўллаш ва дарсда ўргатишни давом эттиришдир.

Шу билан бирга, тадқиқот тажрибали чет тил ўқитувчиларининг синфни ва аудиторияни бошқариш стратегияларини ўрганиш орқали синфни бошқаришнинг аҳамиятини кўрсатиб берди. Олиб борилган изланишлар чет тил ўқитиш методикасига ҳисса қўшади ва педагог кадрлар тайёрлаш дастурларини лойиҳалаштиришга хизмат қилади.

Literature:

1. Prodromou, L. (1992). *Mixed ability classes*. London: MacMillan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, January 2015, 6(1) 68.
2. Matus, D. E. (1999). Humanism and effective urban secondary classroom management. *The Clearing House, May/June*, 305-307.
3. Sasidher, K., Vanaja, S., & Parimalavenu, V. (2012). Effective strategies for classroom management in ELT. *Scholarly Research Journal for Interdisciplinary Studies*, 1(3), 421-428.
4. Gower, R., & Walters, S. (1988). *Teaching practice handbook*. Oxford: Heinemann.
5. Young, D. J. (1990). An investigation of Students' Perspectives on Anxiety and Speaking. *Foreign Language Annals*, 23, 539-553.
6. Ж. Жалолов. Чет тил ўқитиш методикаси – Т., 2012 .

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор).